

**“Ўзбекистон ипотекани қайта  
молиялаштириш компанияси”**

**Акциядорлик жамиятининг 2020 йил  
03 августдаги Кузатув кенгаши қарори  
билин**

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**

**“ЎЗБЕКИСТОН ИПОТЕКАНИ ҚАЙТА МОЛИЯЛАШТИРИШ КОМПАНИЯСИ”  
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ  
ИЧКИ НАЗОРАТ ТҮҒРИСИДАГИ НИЗОМ**

Тошкент ш. 2020й

## **МУНДАРИЖА:**

I.	Умумий қоидалар.....	3
II.	Ички назорат тизимининг таърифи ва мақсадлари .....	3
III.	Ички назорат тизими фаолиятининг асосий қоидалари.....	4
IV.	Ички назорат тизими таркибий қисмлари.....	5
V.	Ички назорат учун масъул органлар ва шахслар.....	5
VI.	Ички назорат тадбирлари ва усуллари.....	7
VII.	Якуний қоидалар.....	8

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур “Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” Акциядорлик жамияти (қуйида матн бўйича – “Жамият”) Ички назорат тўғрисидаги Низоми (қуйида матн бўйича – “Низом”) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларига, Жамият Уставига, Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича комиссиянинг 2015 йил 31 декабрдаги йиғилишида 9-сон баённома билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодексига ва Жамият ички хужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.
2. Мазкур Низом ички назорат тизимининг мақсад ва вазифаларини, унинг фаолият юритиш тамойилларини, шунингдек Жамиятнинг ички назорат учун масъул органлари ва шахсларини белгилайди.

## II. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ ТАЪРИФИ ВА МАҚСАДЛАРИ

3. Ички назорат – Жамият фаолиятига татбиқ қилинган ҳамда қуйидаги соҳаларда Жамият мақсадларига эришиш юзасидан асосли ва етарлича тасдиқлар олиш мақсадида таваккалчиликларни бошқариш, назорат ва корпоратив бошқарув жараёнлари самарадорлигини оширишга қаратилган узлуксиз амал қилувчи жараёндан иборат:

- фаолият самарадорлиги ва унумдорлиги, шу жумладан фаолият самарадорлиги даражаси, фойда олиш ва активларни ҳимоя қилиш;
- молия ҳисоботлари ишончлилиги ва асосланганлиги;
- қонун хужжатларига ва Жамият фаолиятини тартибга соладиган хуқуқ меъёrlарига мувофиқлик.

4. Ички назорат тизими – Жамиятда Тафтиш комиссияси, Ички аудит хизмати, Кузатув кенгаши, Ижроия органи ҳамда барча даражалардаги ва барча функциялар бўйича бошқа ходимлар (қуйида матн бўйича – “ички назорат субъектлари”) томонидан ташкил қилинган ва амалга ошириладиган ички хужжатлар билан қатъий белгиланган Жамият ташкилий тузилиши, назорат чоралари, ички назорат тадбирлари ва усуллари мажмуидан иборат. АЖ ички назорат органлари аъзоларининг ихтисослиги улар фаолияти тўғрисидаги Низомларда белгилаб қўйилиши мумкин.

5. Ички назорат тадбирлари – Жамият Тафтиш комиссияси, Жамият Кузатув кенгаши аудит қўмитаси, Жамият Кузатув кенгаши, Жамият Ижроия органи, шунингдек Жамиятнинг ички назоратни амалга ошириш ваколати берилган бўлинмалари (қуйида матн бўйича – “Жамият бўлинмалари”) томонидан амалга ошириладиган ҳамда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда қонун хужжатлари ва Жамият ички хужжатлари бузилишларини аниқлашга, Жамият томонидан қўйилган мақсадларга эришиш самарадорлигини, шунингдек ички назорат тадбирларини амалга ошириш жараёнида ички назорат субъектларининг ўзаро муносабатларини баҳолашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидан иборат.

6. Ички назоратнинг асосий мақсади барча акциядорлар, шу жумладан миноритар акциядорларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлашдан иборат.

7. Ички назорат оператив режимда қуйидагиларни таъминлашга йўналтирилган:
  - Жамият активларини тегишлича сақлаш, Жамият ресурсларидан тежамли ва самарали фойдаланиш;

- амалдаги қонун хужжатлари ва Жамиятнинг ички ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;
- Жамиятнинг ўрта муддатли ва узоқ муддатли даврда ривожланиш стратегияларини, бизнес-режаларини бажариш;
- Жамиятнинг бухгалтерлик хужжатлари, молия ҳисоботлари ва бошқарув ахбороти тўлиқлиги ва асосланганлиги;
- Жамият фаолиятидаги таваккалчиликларни улар пайдо бўлиш вақтида аниқлаш, идентификациялаш ва таҳлил қилиш;
- Жамият фаолиятидаги таваккалчиликларни режалаштириш ва бошқариш, шу жумладан таваккалчиликларни бошқариш бўйича ўз вақтида ва мос қарорлар қабул қилиш;
- амалий доираларда ва истеъмолчиларда Жамиятнинг яхши обрў-эътиборини ўрнатиш ва қўллаб-кувватлаш;
- Ижроия орган, Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзоларига мукофот пуллари ва бадаллар тўлаш, шу жумладан уларнинг миқдорлари мослиги, очиқлиги ва объективлигини таъминлаш.

### **III. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ҚОИДАЛАРИ**

8. Жамиятда ички назорат тизими қўйидаги тамойиллар асосида тузилади:
- узлуксиз ишлаш – ички назорат тизимининг доимий ва тегишлича ишлаши Жамиятга меъёрдан ҳар қандай оғишларни ўз вақтида аниқлаш ва келгусида уларнинг пайдо бўлиши олдини олиш имконини беради;
  - ички назорат тизими барча иштирокчиларининг ҳисобдорликлари – ҳар бир шахс томонидан назорат функцияларининг бажарилиш сифати ички назорат тизимининг бошқа иштирокчиси томонидан назорат қилиб борилади;
  - вазифалар тақсимланиши – Жамият назорат функциялари такрорланишига йўл қўйилмаслигига интилади ва ушбу функциялар Жамият ходимлари ўртасида функциялар бир вақтнинг ўзида муайян активлар билан операцияларни тасдиқлаш, операцияларни рўйхатдан ўtkазиш, активларнинг тегишлича сақланишини таъминлаш ва уларнинг инвентаризациясини ўtkазиш билан боғлиқ функциялар бир шахснинг ўзига бириктирилмайдиган тарзда тақсимланиши керак;
  - операцияларнинг маъқулланиши ва тасдиқланиши – Жамият ваколатли шахслар томонидан уларнинг тааллуқли ваколатлари доирасида барча молия-хўжалик операцияларини тасдиқлаш тартибини белгилашга интилади;
  - Жамиятнинг кундалик ички назоратни амалга оширадиган бўлинмаси ташкилий алоҳидалиги ва унинг бевосита Кузатув кенгашига Аудит қўмитаси орқали функционал ҳисобдорлигини таъминлаш;
  - Жамиятда ишлайдиган барча ички назорат субъектларининг назорат функциялари тегишлича бажарилиши учун жавобгарлиги;
  - Жамият барча бўлинмаларининг аниқ ўзаро ҳамкорлиги асосида ички назоратни амалга ошириш;
  - мунтазам ривожланиш ва такомиллашиш – Жамият ички назорат тизими янги вазифаларни ҳал қилиш, тизимнинг ўзини кенгайтириш ва такомиллаштириш зарурияти ҳисобга олинган ҳолда мослашиш имконини берадиган мосланувчан созланиши учун шарт-шароитларни таъминлашга интилади;
  - оғишлар тўғрисидаги хабарларнинг ўз вақтида узатилиши – Жамиятда оғишларни бартараф этиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ваколати берилган

шахсларга тааллуқли ахборот узатилишининг максимал қисқа муддатлари белгиланган;

- Жамият фаолиятининг назорат йўлга қўйилаётган соҳалари устуворлигини белгилаш – гарчи улар фаолиятининг самарадорлигини (“харажатлар – иқтисодий самара” нисбатини) ўлчаш қийин бўлсада, ички назорат тизими билан қамраб олинадиган стратегик йўналишлар ажратиб кўрсатилади.

#### **IV. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ**

**9.** Ички назорат тизими қўйидаги ўзаро боғлиқ таркибий қисмларни ўз ичига олади:

- Жамият ходимларининг ахлоқий қадриятлари ва билимларини, раҳбарият сиёсатини, раҳбарият томонидан ваколатлар ва жавобгарликлар тақсимланиши усулини, ташкилий тузилиш ва ходимлар малакаси оширилишини, шунингдек Кузатув кенгаши томонидан раҳбарлик ва бошқарувни ўз ичига оладиган назорат муҳити;
- таваккалчиликни баҳолаш – турли даражаларда ўзаро боғлиқ ва ички жиҳатдан изчил муайян вазифаларга эришишда тааллуқли таваккалчиликлар идентификация ва таҳлил қилинишини ўз ичига олади;
- раҳбарият қарорлари ижросини кафолатлашга ёрдам берадиган ва маъқуллаш, жарималар, тасдиқномалар бериш, текширувлар ўтказиш, жорий фаолиятни назорат қилиш, активлар хавфсизлигини таъминлаш ва ваколатларни тақсимлаш каби бир қатор хилма-хил ҳаракатларни ўз ичига оладиган назорат сиёсати ва тадбирларини умумлаштирадиган назорат бўйича фаолият;
- барча ички назорат субъектларида Жамиятда қабул қилинган назорат сиёсати ва ички назорат тадбирлари тушунчаларини шакллантириш ҳамда улар ижросини таъминлаш мақсадларида маълумотларни ўз вақтида ва самарали аниқлашга, уларни рўйхатдан ўтказишга ва ахборот алмашинувига қаратилган, шу жумладан ахборот алмашинувининг самарали каналлари ташкил қилинишини ўз ичига оладиган ахборот таъминоти ва ахборот алмашинуви бўйича фаолият. Жамият ахборотни рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилиш учун чоралар кўради;
- мониторинг – бошқарув ва назорат функцияларини ўз ичига оладиган жараён бўлиб, унинг давомида тизимнинг вақт ўтиши билан ишлаш сифати баҳоланади. Ички назорат тизимининг баҳоланиши молия ҳисоботлари тўғрилигига таъсир кўрсатувчи хатолар пайдо бўлиш эҳтимолларини белгилаш, ушбу хатолар моҳиятини аниқлаш ва ички назорат тизимининг қўйилган вазифалар бажарилишини таъминлаш имкониятларини белгилаш мақсадларида ўтказилади. Ички назорат тизими самарадорлигини баҳолаш учун АЖда Кузатув кенгаши таклифи асосида Акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан мустақил ихтисослашган ташкилот – консультант жалб қилиниши мумкин.

#### **V. ИЧКИ НАЗОРАТ УЧУН МАСЪУЛ ОРГАНЛАР ВА ШАХСЛАР**

**10.** Ички назорат Жамият Тафтиш комиссияси, Кузатув кенгаши ҳузуридаги аудит қўмитаси, Кузатув кенгаши, Ижроия орган раҳбари, Ички аудит хизмати, шунингдек Жамиятнинг барча даражалардаги бошқа ходимлари томонидан амалга оширилади, бунда ҳар бир шахс ички назорат учун белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**11.** Жамиятда фаолият юритадиган бўлинмаларнинг функциялари, хуқуqlари ва мажбуриятлари, жавобгарлиги, тўланадиган иш ҳақи ва бадалларни ҳисоб-китоб қилиш тартиби Жамиятнинг ички ҳужжатлари билан назарда тутилган. Ушбу

хужжатлар бевосита ёки билвосита ички назорат масалаларида дахлдор бошқа хужжатлар каби мазкур Низомга зид келиши мумкин эмас.

**12.** Жамият молия-хўжалик фаолияти назоратининг тизимли хусусиятини таъминлаш мақсадида ички назоратнинг асосий тадбирлари Жамиятнинг ваколатли бўлинмаси – Ички аудит хизмати томонидан, бундай хизмат мавжуд бўлмаган ҳолатда эса, ички назорат учун жавобгар Жамият Тафтиш комиссияси томонидан Жамиятнинг бошқа органлари ва бўлинмалари билан ҳамкорликда амалга оширилади.

**13.** Кузатув кенгаши функциялари қўйидагиларни ўз ичига олади:

- ички назорат тизимининг ривожланиш йўналишларини белгилаш ҳамда муайян операциялари ва стратегияларини тасдиқлаш;
- Жамият Акциядорлари йиллик умумий йиғилишида Жамият Ижроия органи, ички ва ташқи аудитлар, Тафтиш комиссияси раҳбарларининг мунтазам ҳисботлари маълумотларига, бошқа манбалардан олинган маълумотларга ва ички назоратнинг барча соҳалари, шу жумладан, молиявий назорат, операцион назорат, қонун хужжатларига риоя қилиниши устидан назорат, ички сиёsat ва тартиботлар назорати бўйича шахсий кузатувларга асосланган ички назорат тизимининг ишонччилиги ва самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш натижалари тўғрисида ҳар йили ахборот бериш;
- Жамиятнинг ички назорат учун масъул бўлинмаси тузилиши ва таркибини белгилаш;
- ички назорат тадбирларини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш.

**14.** Жамият молия ҳисботлари асосланганлиги ва тўлиқлиги, ички назорат тизимининг ишонччилиги ва самарадорлиги устидан назоратни ташкил қилиш учун жавобгарлик Кузатув кенгашининг Аудит қўмитасига юклатилади, унинг роли, мақсадлари, вазифалари ва ваколатлари Жамият Кузатув кенгашининг Аудит қўмитаси тўғрисидаги Низомида акс эттирилган.

**15.** Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган Жамият ички назорат соҳасидаги сиёsatга мувофиқ, унинг фаолият юритиши учун жавобгарлик Ижроия орган раҳбари юклатилади. Жамият Ижроия органи раҳбари ички назорат тизими тадбирларини жорий қиласида Кузатув кенгашини Жамиятнинг барча таваккалчиликлари, ички назорат тизимининг жиддий камчиликлари, шунингдек уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар режалари ва натижалари тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш орқали ички назорат тизимининг самарали фаолият юритишини таъминлайди.

**16.** Ҳар қандай даражадаги бўлинмалар ходимлари (шу жумладан раҳбарлари) ўз ваколатлари доирасида назоратни амалга ошириш стратегиялари ва тартиботларини батафсил ишлаб чиқишида бевосита иштирок қиласида.

Уларнинг вазифаси пайдо бўлишига қараб ностандарт вазиятлар ва муаммоларни ҳал қилишдан иборат. Жиддий масалалар ёки муайян битимда юзага келган хавфлар тўғрисида ходимлар Жамият юқори раҳбари яхши хабар берадилар.

**17.** Жамият ва унинг алоҳида бўлинмалари молия-хўжалик фаолияти устидан назоратни амалга ошириш учун жавобгарлик доимий фаолият юритувчи ички назорат органи – Тафтиш комиссиясига юклатилади, унинг роли, мақсадлари, вазифалари ва ваколатлари Тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низомда акс эттирилган.

**18.** Ички назорат тадбирлари ижроси, айнан эса Жамият ва унинг алоҳида бўлинмалари томонидан амалга ошириладиган молия-хўжалик операцияларининг Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига ва Жамият Уставига мувофиқлиги,

шунингдек бухгалтерия ва молия ҳисоботлари тўлиқлиги ва шубҳасиз тўғрилиги устидан мунтазам назорат амалга оширилиши учун жавобгарлик Ички аудит хизматига юклатилади, унинг роли, мақсадлари, вазифалари ва ваколатлари Ички аудит хизмати тўғрисидаги Низомда акс эттирилган.

Ички аудит хизмати тўғрисидаги Низом Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

**19.** Жамият Ички аудит хизмати ички аудит натижалари, ички назорат тизими тўғрисида Кузатув кенгаши ҳузуридаги аудит қўмитаси олдида ҳисбот беради. Жамият Ички аудит хизмати Кузатув кенгаши ҳузуридаги аудит қўмитасига бўйсунади.

**20.** Жамиятнинг Ички аудит хизматида қўйидаги шахслар лавозимларни эгаллашга ҳақли эмас:

- иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ёки тартибга қарши жиноят учун судланганлиги бекор қилинмаган шахслар;
- Жамиятнинг Ижроия органи раҳбари ёки аъзолари ҳисбланган шахслар;
- Жамиятга рақобатчи бўлган бошқа юридик шахс таъсисчилари (акциядорлари, иштирокчилари), Ижроия органи раҳбарлари ёки аъзолари ёхуд ходимлари ҳисбланган шахслар;
- Ички аудит хизмати таркибига кирувчи шахсларга Кузатув кенгаши ҳузуридаги аудит қўмитаси томонидан бошқа талаблар белгиланиши мумкин.

**21.** Жамият ички назорат тизимининг тегишлича фаолият юритиши ходимларнинг юқори касбий маҳоратига ҳам боғлиқдир. Жамият кадрларни танлаш, ёллаш, ўқитиш, тайёрлаш ва хизмат мавқеларини кўтариш тизими уларнинг юқори малакали бўлишини ва улар томонидан юқори ахлоқий стандартларга риоя этилишини таъминлаш учун бор имкониятларини ишга солади.

## **VI. ИЧКИ НАЗОРАТ ТАДБИРЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ**

**22.** Жамиятнинг ички назорат тадбирлари қўйидагиларни ўз ичига олади:

- Жамият бошқарувининг турли даражаларида ўзаро боғлиқ ва бир-бирига зид бўлмаган мақсадлар ва вазифаларни белгилаш;
- Жамият фаолияти мақсадларига эришишга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган яширин ва амалдаги операцион, молия, стратегик ва бошқа хавфларни аниқлаш ва таҳлил қилиш;
- ички назорат жиддий таркибий қисмларини баҳолаш;
- бизнес-жараёнлар ички назорат тизими самарадорлигини баҳолаш;
- Жамиятнинг таркибий бўлинмалари, мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари иш самарадорлиги мезонларини аниқлаш ва баҳолаш;
- молиявий ва бошқа маълумотларни олдинги даврлар маълумотлари ёки кутиладиган фаолият натижалари билан солиширган ҳолда кўриб чиқиш;
- воқеа-ҳодисалар, операциялар ва транзакцияларни ҳисобга олиш мос усууларидан фойдаланиш;
- активлар тегишлича сақланишини текшириш;
- ички назорат тартиботларини тегишлича ҳужжатлаштириш;
- ички назорат тизими сифатини мунтазам равишда баҳолаш;
- Жамиятнинг барча ходимларини уларнинг ички назорат соҳасидаги вазифалари билан таништириш;
- Жамият ходимлари ўртасида энг муҳим вазифаларни (шу жумладан, операцияларни маъқуллаш ва тасдиқлаш, операцияларни ҳисобга олиш,

ресурсларни бериш, сақлаш ва олиш, операцияларни таҳлил қилиш ва текшириш бўйича вазифаларни) тақсимлаш;

- фақат тааллуқли ваколатларга эга шахслар билан операцияларни тасдиқлаш ва амалга ошириш;
- ички назорат мақсадларига эришиш учун керакли бошқа тадбирлар.

**23.** Ички назорат тадбирларини ўтказишда текшириш, кузатиш, тасдиқлаш, қайта ҳисоблаш усуллари, шунингдек ички назорат тадбирларини амалга ошириш учун керакли бошқа усуллар қўлланилади.

## **VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

**24.** Мазкур Низом, шунингдек унга ўзгартишлар ва қўшимчалар Акциядорлар умумий йифилиши қарори билан тасдиқланади.

**25.** Мазкур Низомга ўзгартишлар ва қўшимчалар Жамият Кузатув кенгаши, Жамият Ташқи аудитори, Жамият Тафтиш комиссияси, Жамият Ички аудит хизмати аъзолари, Жамият Ижроия орган раҳбари таклифи бўйича киритилади.

**26.** Агар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатлари ўзгариши натижасида мазкур Низомнинг айрим моддалари уларга зид келса, ушбу моддалар ўз кучини йўқотади ва Жамият Низомига ўзгартишлар киритиладиган пайтгача Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатларига амал қилинади.